


**“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАКТАБЛАРИ ВА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШ МЕХАНИЗМИ****Бадалова Мақсуда Умаровна***А.Авлоний номидаги ПКРЙМЎМТИ**Илмий бўлим мудури***Эшмуминова Ойбарчин Ботировна***А.Авлоний номидаги МТИ магистри*

Мактабдан ташқари таълим тизими олдида ҳар томонлама ривожланган ижодий шахсни шакллантириш мақсадида мактабдан ташқари таълим-тарбия соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш; ўқувчилар ва аҳолининг турли ёшдаги гуруҳларининг эҳтиёжларига жавоб берувчи мактабдан ташқари таълим-тарбиянинг мазмунини мунтазам равишда янгилаб бориш; кўшимча таълим ва тарбия бериш ҳамда ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шароитдаги фаолиятга тайёрлаш учун синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепциясини амалга ошириш; ўқувчиларни умуминсоний ва халқ кадриятларини акс эттирувчи маданият билан таништириш; кўшимча билимлар, малакалар эгаллашга бўлган эҳтиёжларни шакллантириш ва уларни янада бойитиш; ҳар бир ўсмирнинг табиий билимдонлик даражаси ва ижодий имкониятларини аниқлаш ва ривожлантириш; ҳаётнинг олий кадрияти бўлган меҳнатга муносабатни тарбиялаш; фаолиятнинг ҳар қандай шаклига ижодий ёндошиш эҳтиёжини тарбиялаш каби вазифаларнинг белгиланганлиги, мазкур мавзунини назарий, илмий ва амалий жиҳатларини ўрганишни тақозо этади. Интеллектуал, меҳнатқаш, инновацион фикрлаш янги Ўзбекистоннинг асосий кадриятларига айланиб бормоқда ва давлат раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг “2022-2026-йилларга мўлжалланган Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” да белгиланган устувор йўналишлари билан ҳамоҳанг бўлиши лозимдир. Инсон капиталини ривожлантиришнинг самарали усулларида бири “технологик ютуқ”га тайёр янги авлодни тайёрлаш ва уни илмий-техникавий ва инновацион сиёсатни амалга оширишга жалб қилишдир.

Қуйида ишлаб чиқилган “Баркамол авлод” болалар мактаблари ва ишлаб чиқариш манфаатларини интеграция қилиш модели муҳим аҳамиятга эга. (1-расм).

Баркамол авлод” болалар мактаблари ва ишлаб чиқариш манфаатларини интеграция қилиш модели



Ушбу моделнинг мақсади ўқувчиларини ҳаётга тайёрлаш борасидаги таълим сифатини таъминлашга йўналтирилган.. Ишлаб чиқилган интеграция модели, бир томондан, касб-хунар таълими соҳасида ижтимоий шериклик тизимини барпо этиш бўлса, иккинчи томондан, битирувчиларни касб-хунарга ўргатиш тизими сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

✓ Биринчидан (ташқи) натижа мактаб, иш берувчилар ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ижтимоий ва иқтисодий масалаларини тартибга солиш механизми сифатида касб-хунар таълими соҳасида ижтимоий шериклик тизимини қуришни ўз ичига олади.

✓ Моделнинг иккинчи (ички) натижаси – “Баркамол авлод” болалар мактаблари ва ишлаб чиқариш интеграцияси жараёнидаги барча манфаатдор томонлар – “Баркамол авлод” болалар мактаблари ва вилоят ишбилармон доираларининг ягона мақсади сифатида ўқувчиларни тайёрлаш сифатини оширишдир.